



PRIORITIES OF NATIONAL IDENTITY IN NEW UZBEKISTAN

Botir Dulanov

independent researcher

Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan

E-mail: bek.us@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: National identity, national values, national revival, national idea, national progress, spiritual development, national culture, national history, national ideology, national identity, national traditions.

Received: 14.04.25

Accepted: 16.04.25

Published: 18.04.25

Abstract: This article analyzes Uzbekistan's priorities in national self-awareness, which has embarked on a new path of development. The process of national self-awareness is the foundation for the spiritual, cultural, and social development of the country. The article highlights the importance of such areas as the restoration of national values, the preservation of historical heritage, the formation of a national idea that meets modern requirements, as well as the strengthening of patriotism and respect for national identity among young people. The role of education, enlightenment, and cultural and spiritual reforms in national self-awareness is also considered. This article contributes to a deeper understanding of the processes of national revival and development of Uzbekistan.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ботир Дуланов

мустақил изланувчи

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси
Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: bek.us@mail.ru

МАҚОЛА ХАҚИДА

Калит сўзлар: Миллий ўзлик, миллий қадриялар, миллий тикланиш, миллий фоя, миллий юксалиш, маънавий тараққиёт, миллий маданият, миллий тарих, миллий

Аннотация: Мазкур мақолада Янгича тараққиёт йўлига қадам қўйган Ўзбекистоннинг миллий ўзликни англаш борасидаги устувор йўналишлари таҳлил

мафкура, миллий ўзига хослик, миллий анъаналар.

қилинган. Миллий ўзликни англаш жараёни мамлакатнинг маънавий, маданий ва ижтимоий ривожланиши учун пойдевор хисобланади. Мақолада миллий қадриятларни тиклаш, тарихий меросни асрар, замонавий талабларга мос миллий ғояни шакллантириш ҳамда ёшлар онгидаги ватанпарварлик ва миллий ўзликка ҳурмат туйғусини кучайтириш каби йўналишларнинг аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, миллий ўзликни англашда таълим, маърифат ва маданий-маънавий ислоҳотларнинг роли алоҳида кўрсатилган. Ушбу мақола Ўзбекистоннинг миллий тикланиш ва юксалиш жараёнларини янада чуқурроқ англашга хисса қўшади.

ПРИОРИТЕТЫ НАЦИОНАЛЬНОГО САМОСОЗНАНИЯ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Ботир Дуланов

независимый исследователь

*Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан*

E-mail: bek.us@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Национальное самосознание, национальные ценности, национальное возрождение, национальная идея, национальное развитие, духовное развитие, национальная культура, национальная история, национальная идеология, национальное своеобразие, национальные традиции.

Аннотация: В этой статье проанализированы приоритетные направления национального самосознания Узбекистана, вступившего на новый путь развития. Процесс национального самосознания является основой духовного, культурного и социального развития страны. В статье освещено значение таких направлений, как возрождение национальных ценностей, сохранение исторического наследия, формирование национальной идеи, соответствующей современным требованиям, а также усиление чувства патриотизма и уважения к национальному самосознанию у молодежи. Также отдельно рассмотрена роль образования, просвещения и культурно-духовных реформ в национальном самосознании. Данная статья способствует более глубокому пониманию процессов национального возрождения и возрождения Узбекистана.

Кириши. Янги Ўзбекистонда миллий ўзликни англашнинг устувор йўналишлари бугунги кунда долзарб масала ҳисобланади. Чунки, у миллатнинг маънавий ва маданий тикланиши ҳамда жамиятнинг барқарор ривожланиши учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат килади. Глобаллашув жараёнида ўз миллий қадриятларини асраш, тарихий меросни қайта тиклаш ва авлодларга етказиш ҳар бир миллатнинг истиқлол ва ўзлигини сақлаб қолишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ёшлар онгидаги миллий ғуурур ва ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш, уларни миллий қадриятлар ва анъаналар асосида тарбиялаш жамиятнинг барқарорлиги ва мамлакатнинг ривожланиш истиқболларини белгилайди. Шу боис, бу йўналишда олиб борилаётган изчил сиёsat ва амалий чоратадбирлар Янги Ўзбекистон тараққиётининг стратегик вазифаларидан биридир.

Методология. Халқимиз тарихидаги буюк сиймолари Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек сингари буюк олимларнинг асарларида миллий ўзликнинг англашга доир қарашлар ва ёндашувлар ўз ифодасини топган.

Абу Наср Форобийнинг «Бахт саодатга эришиш хақида» ва “Фозил одамлар шаҳри” асарларида “ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етуклика эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади. У бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж сезади. Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирларига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўпчиликнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати буйича интилган етуклика эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етуклика эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради” [1] деган қарашларида ҳар бир инсон юксалиши ва тараққий қилиши учун ўз жамоаси атрофида бирлаши ва белгиланган мақсад сари ҳаракат қилиши лозимлигини таъкидлайди. Форобийнинг ғоялари миллатга хос маданий ва маънавий қадриятларни асраш ва ривожлантиришга ишора қилади, аммо бу бевосита “миллий ўзлик” тушунчаси шаклида эмас, балки умумий инсонпарварлик ва ахлоқий қадриятлар нуқтаи назаридан ёритилган.

Ҳозирги глобаллашув шароитида ҳар бир давлат ва ҳар бир жамият бирлашсагина миллий ўзлигини сақлаб қолади, балки миллий мустақилигини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади. Миллий ўзликни англаш — бу халқнинг ўзига хос маданияти, тарихи, тили, анъаналари ва қадриятларини идрок этиш, сақлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган жараён. Бу жараён нафақат шахсий даражада, балки бутун жамият учун ҳам муҳимдир. Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Ота-боболаримиз таъкидлаганидек, ўзлигини чуқур англаб етмаган, тарихий, диний ва маданий-маърифий илдизларидан жудо бўлган

халқ ёки давлат, вақти келиб албатта инқирозга учраши ва тарих зарварапаридан буткул ўчиб кетиши ҳеч гап эмас” [2] -деб таъкидлашлари ҳар бир инсонинг олдига чукур вазифа кўяди, яъни нафақат миллий ўзлигини англаш ва сақлаш балки келажак авлодларга ҳам етказиш мухим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ибн Синонинг асарларида миллий ўзликнинг англаш жараёни бевосита инсоннинг ақлий ва ҳиссий ривожланиши билан уйғун шаклда намоён бўлишига эътибор қаратилади. Хусусан, инсоннинг ақлий ва ҳиссий камол топиши уни юксалишига, шу жумладан жамиятни барқарорлиги ва давлатнинг равнақига ҳисса кўшади. Ибн Сино қарашларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, биринчидан, инсон миллий ўзлигини англаши жамиятдаги ўзаро бирдамликка боғлиқ; иккинчидан, инсон миллий ўзлигини англаши уларни ўзаро ҳамкорликда ва ҳаммаслақда ишланини, биргалиқда моддий ва маънавий неъматлар тайёрлашини таъминлайди; учинчидан, ҳар бир шахс миллий ўзлигини англаши унинг миллий қадриятлари, тили ва урф-одатлари билан уйғун равища ривожлантириб боради [3].

Абу Али ибн Синонинг илмий ва фалсафий ғоялари ҳар бир миллатнинг маънавий ва маданий меросини ривожлантиришда мухим аҳамият касб этади. Унинг илм ва маърифатга бўлган чақириклари миллий ўзликни сақлаш ва ривожлантиришдаги универсал аҳамиятга эга. Ибн Сино фалсафасида инсонни алоҳида бир шахс сифатида маърифатга ва маънавий камолотга интилевчи мавжудот сифатида тасвирлайди. Унинг фикрига кўра, инсон ўзининг руҳий ва ақлий қобилиятларини ривожлантириш орқали ўз моҳиятини англайди, шунингдек, инсон ўзининг маданий, маънавий ва ахлоқий асосларини тушуниши миллий ўзликни англашнинг бир қисми бўлиши мумкин.

Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида қадимги халқларнинг анъаналари, урф-одатлари ва диний эътиқодлари ҳақида кенг маълумот берилган. У шундай маданий маълумотларни ўрганиш орқали ҳар бир миллат ўзининг илдизларини англаши мумкинлигини таъкидлайди. У тарихий ва маданий ёдгорликларни ўрганиш орқали миллатнинг ўзига хослигини сақлаб қолиш мухимлигини кўрсатади. Маданий меросни асраш ва ўрганиш орқали миллатлар ўзларининг тарихий ўзлигини англайди.

Абу Райхон Берунийнинг “Ҳар бир халқнинг урф-одатлари, анъаналари ва эътиқодлари ўзига хос бўлиб, уларнинг келиб чиқишини тушуниш учун халқнинг тарихи ва унинг ёдгорликларини ўрганиш лозим” [4] деган фикрлари ҳар бир миллатнинг миллий ўзлигини англаш жараёнига таъсир этувчи омилларни билиш учун уларнинг тарихини, маданиятини ва қадриятларини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Республикамизда бу борада ҳам сўнги йилларда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Миллий ўзликни англаш, тарихий

хотира давомийлигини таъминлаш, улкан ёзма меросни асраб-авайлаш, бойитиб бориш ва тадқиқ қилиш ҳамда маданий ва маънавий қадриятларни оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Қадимий ёзма манбаларни саклаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, тарихий ва маданий меросимиз намуналарини ҳар томонлама чукур ўрганиш, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожига қўшган бекиёс ҳиссасини тарғиб қилиш, шу орқали халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг буюк маънавий меросимизга ҳурматини ошириш ҳамда она юртимизга меҳр ва садоқат туйғуларини шакллантириш бўйича ишлар самарадорлигини кескин равишда яхшилаш масалаларига эътибор қаратилмоқда.

Алишер Навоий миллий ўзликни англаш масалаларига катта эътибор қаратган ва ўз ижодида бу ғояларни тарғиб қилган. Унинг асарларида миллий ўзлик, тил, маданият ва тарихни қадрлаш, миллий ғурурни уйғотишга қаратилган фикрлар кенг ўрин олган. Навоий ўз ижоди орқали ўз халқига ва келажак авлодларга миллий қадриятларнинг аҳамиятини англатишга интилган. Алишер Навоийнинг "**Лисон ут-тайр**" асарида миллий ўзликни англашга доир фикрлар рамзий ва мажозий йўсинда ифодаланган. Асар инсон маънавий комилликка эришиш, ўзлигини англаш ва инсоннинг ички имкониятларини кашф қилишга қаратилган. “Эй инсонни маърифат кони қилиб, унинг кўнглини маърифат жаҳони айлаган! Маърифатни ҳар кимга тақсимлаб, жаҳонда унга ориф - билувчи дея исм қўйдинг. Кимларни маърифатга мусассар этган бўлсанг, уларнинг ҳолатини турлича қилдинг. Бунда ҳар бир кишининг сайр этишини ўз камолига мослаштиридим. Ҳар бир кишининг яқинлигини унинг турмушига яраша қилиб бердинг” [5]. Ҳазрат Алишер Навоийнинг "**Лисон ут-тайр**" асаридаги мазкур жумлада инсоннинг ўзи ва унинг жамият ҳақида тўлақонли англаши борасида сўз юритилади. Миллий ўзликни англаш учун инсон ўз тарихини, маданиятини ва маънавий меросини билиши зарур. Бу билим миллий ўзликни шакллантиришга ёрдам беради. Бу жумланинг мазмуни шундан иборатки, инсон маърифат орқали фақат ўз шахсий камолотига эмас, балки ўз миллати ва жамиятининг ривожига ҳам ҳисса қўшади. Миллий ўзликни англаш шунга асосланади.

Асосий қисм. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили – халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир” -деган фикрлари бугунги кунда миллий тилимиз – ўзбек тилининг соғлигини сақлаб қолиш ва уни келажак авлодга етказиш давлат сиёсати даражасидаги муҳим вазифалардан саналади. Бунинг учун маданий меросимизни саклаш ва

ривожлантириш, миллий тарихимизни ўрганиш, шу орқали миллий қадриятларимизни тарғиб қилиш ҳамда глобал маданий таъсирларни миллий манфаатлар билан ўйғунлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадгага мувофиқ.

Хозирги кунда ўз она тилини унугтан, ўз она тилида сўзлашишдан уяладиган, ўз она тилини хурмат қилмайдиган ёшлар қатлами ҳам шаклланиб келаётганлигини кўришимиз мумкин. Бундай ёшларда миллий ғуур ва миллий ифтихор туйғуси юкори бўлмайди. Ўз тилини йўқотиб, миллий ўзлигини англамаганлар миллий ҳамжиҳатликка путур етказади. Зоро, Авлоний бобомиз тўғри таъкидлаганлариdek: “Миллий тилни йўқотмак, миллатнинг рухини йўқотмакдур” [6] шуни ҳисобга олиб миллий ўзликнинг англашнинг асосий омилларидан бири миллий тилимизни қадрлашимиз, уни миллатнинг мустақилиги рамзи сифатида қарашамиз муҳим аҳамият касб этади.

Маърифатпарвар жадидлар вакили Маҳмудхўжа Бехбудий миллий ўзликни англаш муҳим деб ҳисоблаб, 1914 йили “Ойна” журналида “Сарт сўзи мажхулдор” сарлавҳали мақоласида: “Қабиласининг исмини ва етти отасининг отини билмайдургонларни “марқук” дерлар” [7] деб таъкидлайди. Яъни, ўз тарихини билмаган, ўз насл наسابини англамаган инсонда миллий ўзликни англаш тўйғуси шаклланмайди, бундай инсонлар қаерда фаровонлик бўлса, ўша ерни ватан ҳисоблаб, ўзларини “дунё фуқароси” сифатида эътироф этади. Натижада ватансизлик гояси қурбонига айланадилар.

Яна бир жадид маърифатпарварларидан бири Абдурауф Фитрат миллий ўзликни англаш ва миллий ўйғониш ғояларини шакллантириш борасида қатор фикрларни илгари сурган. Жумладан, Абдурауф Фитратнинг “Раҳбари нажот” (“Нажот йўли”), “Оила”, “Мавлуди Шариф ёки Муръоти хайр ул Башар” каби асарларида “Миллатнинг тириклиги унинг маърифатли фарзандларининг сони билан ўлчанур” деган қарашларида миллий ўзликни англаш учун таълим ва маърифатнинг аҳамиятини уқтиради. Унинг “миллат ўз тилини, ўз маданиятини йўқотса, у миллат бўлишдан тўхтайди” деган қарашларида миллатнинг ўзлигини сақлаб қолиш учун тил ва маданиятни химоя қилиш зарурлигини таъкидлайди [8]. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, барча жадид маърифатпарварларини асарларида ва қарашларида миллий мустақилликни сақлаш миллий ўзлик билан узвий боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар. Инсон миллий ўзлигини аниқлаш учун билимга, маърифатга ва маънавиятга эга бўлиши лозимлиги баён қилинган.

Хозирги кунда юртимизда миллий ўзликнини англаш борасида тизимли ислоҳотлар амалга оширилаётганлиги гувоҳи бўламиз. Мазкур ислоҳотларни мазмун-моҳияти Ўзбекистонда сўнги йилларда қабул қилинган 30 дан ортиқ норматив-хукуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисид”ги 2995-сон, 2019 йил 11 июлдаги “«O‘zbekiston tarixi» телеканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4390-сон, 2021 йил 12 августдаги «Ватандошлар» жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида”ги 5220-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 17 апрелдаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида маданият соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 207-сон қарорларида миллий ўзликни англашни тарғиб қилиш борасида қатор вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 40 га яқин нутқлари (2027-2024 йиллар) да “Миллий ғоя” масаласида қарашлари ва ёндашувлар берилган [9]. Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2023 йил 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида аввало, маънавият ва маданият соҳаси учун методик асос бўлиб хизмат қиладиган миллий ғоямизни ривожлантириш бўйича алоҳида дастурий хужжат ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди [10]. Миллий ғоя ва миллий ўзлик ўзаро чамбарчас боғланган тушунчалардир. Миллий ғоя – бу миллатнинг умумий манфаатлари, қадриятлари ва келажакка интилиши акс этган мафкуравий йўналиш. У миллатнинг бирлашувига ва тараққиётiga хизмат қилади. Миллий ўзлик эса инсоннинг ўзига хослигини, миллатга мансублигини англаш ва ўз маданияти, анъаналари, тарихи билан фахрланиш ҳиссидир. Миллий ғоя миллий ўзликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди, чунки у халқнинг маънавий асосларини белгилайди, миллий ўзлигини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга йўналтиради. Шундай қилиб, миллий ўзлик ва миллий ғоя бир-бирини тўлдирувчи, миллатни бирлаштирувчи ва унинг барқарор тараққиётини таъминловчи асосий омиллар ҳисобланади.

Шунингдек, 2017-2024 йилларда қабул қилинган 50 га яқин норматив-хуқуқий хужжатларда “Миллий ғоя” билан боғлиқ мақсадлар ва вазифалар белгиланган. Шуларни амалга оширишда “миллий ғоя”ни “миллий ўзликни англаш” билан боғлиқ ҳолда ўрганганиш максадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 29 декабрь куни “Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир!” мавзусидаги замонавий дарсликлар кўргазмаси билан танишди. Президент янги дарсликлар билан танишиб, уларнинг мазмуни юзасидан тавсиялар берди. Жумладан, “дунё педагоглари тажрибасидан фойдаланган яхши. Шу билан бирга, дарсликларда миллий ғоя, аждодларимиз мероси ҳам бўлиши керак. Масалан, жадид боболаримиз таълим бўйича қанча ишлар қилган. Яқинда Элбек домлани ўқидим. «Қиз болани ўқитган давлат бутун

жамиятни ўқитган бўлади» деб ёзган экан. Бизнинг дарсликларимизда бундай гаплар йўқку. Нима демоқчиман? Янги дарсликларни шундай мукаммал тайёрлаш керакки, кейинчалик бунга яна қайтмайлик. Бугунги таълим қирқ йилдан кейин биз ҳақимизда сўзлайди” [11], - деб таъкидлашлари бугунги кунда миллий ғояни миллий ўзликни англаш билан ўзаро ўйғунликда тарғиб қилишни кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деб номланган тўртинчи жилд асарида “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясини амалга ошириш механизмлари ва уни амалга оширишнинг илмий асоси келтирилган. Жами 21 та норматив-хуқукий ҳужжатда «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» ғоясини амалга ошириш бўйича вазифалар белгиланган [12].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” асари мамлакатнинг келажак ривожланишига хизмат қиласиган муҳим дастуриламал ҳужжат бўлиб, унда жамият ҳаётининг барча соҳаларида ислоҳотларни амалга оширишга доир илмий-назарий асослар ҳамда амалий механизмлар акс этган.

Мазкур асарда миллий қадриятларни тиклаш, замонавий билим ва инновацияларни жорий қилиш орқали мамлакат тараққиётини янги босқичга олиб чиқишига қаратилган “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясини рўёбга чиқаришнинг хуқукий ва институционал асослари аниқ белгилаб берилган. Хусусан, сўнги йилларда қабул қилинган 21 та норматив-хуқукий ҳужжатда ушбу ғояни амалга оширишга қаратилган вазифалар белгиланган бўлиб, улар иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий соҳалардаги ислоҳотларни қамраб олади.

Долзарб вазифа сифатида мазкур ғояни амалга ошириш механизmlарини тадқиқ этиш, унинг амалий самарадорлигини таъминлаш ва илмий-назарий асосларини чуқур таҳлил қилиш миллий тикланиш ва юксалиш жараёнларига катта ҳисса қўшади. Бундай тадқиқотлар Ўзбекистоннинг стратегик мақсадларига эришишга хизмат қиласиди ва халқ фаровонлигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Шу боис, Президент Ш.Мирзиёев асарларида ва тегишли норматив-хуқукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш механизmlарини чуқур ўрганиш ҳамда уларни ҳаётга самарали татбиқ қилиш йўлларини ишлаб чиқиш жамият тараққиёти учун долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Хуноса. Янги Ўзбекистонда миллий ўзликни англаш жамиятнинг барқарор ривожланиши ва келажак тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Миллий қадриятларни тиклаш, тарихий меросни асрараш ва ёш авлод онгидага ватанпарварлик руҳини

шакллантириш каби устувор йўналишлар давлатнинг маънавий ва маданий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади. Шунингдек, таълим ва маърифат соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар орқали миллий ўзликни англаш жараёнини янада мустаҳкамлаш мумкин. Мақолада берилган таҳлиллар шундан далолат берадики, миллий ўзликни англаш нафақат мамлакатнинг тарихий ривожланиши, балки унинг замонавий тараққиёт йўлидаги муваффакиятини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутади. Бу йўналишдаги изчил ҳаракатлар Янги Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлган давлат сифатида шакллантиришга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати (references)

1. *Абу Наср* Форобий. *Фозил одамлар шаҳри*. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1993. -Б.186.
2. Мирзиёев Ш.М. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. -Т.: “Ўзбекистон нашриёти”, 2024.-Б.42.
3. Абу Али ибн Сино. Тиббий рисолалар.-Тошкент.: «Фан»,2017.-Б.119.
4. Абу Райҳон Беруний Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар.-ТА. 1 т. -. Т.: “Фан”, 2018.
5. Alisher Navoiy. Lison ut- tayr. – Т., 2019.-Б.100.
6. www.ziyouz.uz Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 1-жилд.
7. **Н.Шоалиева.** Маҳмудхўжа Беҳбудий: “Миллат тараққиёси хаёлий орзу-ҳавасда эмас, фарзандлар камолотидадир” // https://www.dkm.gov.uz/uz/mamudhuza-bebudij-millat-tarakkijsi-haelij-orzu-avasda-emas-farzandlar-kamolotidadir?utm_source
8. *Абдурауф* Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд: Илмий асарлар — Т.: «Маънавият», 2011.-Б. 143.
9. <https://president.uz/uz/search/index?SearchForm>
10. Маънавият бошқа соҳалардан олдинда юриши, янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак. // <https://president.uz/uz/lists/view/6941>
11. Президент замонавий дарсликлар кўргазмаси билан танишиди. // <https://president.uz/uz/lists/view/5797>
12. <https://www.lex.uz/search/nat?status>